

**ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/04.06.2020.Ped.113.01 РАҚАМЛИ  
КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ШАВКИЕВА ДИЛФУЗА ШАКАРБОЕВНА**

**РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ШАРОИТИДА ТАЛАБАЛАРГА  
ГЕЙМИФИКАЦИЯ ЁРДАМИДА ИНГЛИЗ ТИЛИНИ ЎРГАТИШ  
МЕТОДИКАСИ**

**13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (инглиз тили)**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Жиззах – 2021**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on  
pedagogical sciences**

**Шавкиева Дилфуза Шакарбоевна**

Рақамли технологиялар шароитида талабаларга геймификация ёрдамида инглиз тилини ўргатиш методикаси.....3

**Шавкиева Дилфуза Шакарбоевна**

Методика обучения студентов английскому языку с использованием геймификации в условиях цифровых технологий. ....25

**Shavkieva Dilfuza Shakarboevna**

Method of teaching English for students using gamification in the conditions of digital technologies. ....46

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works. ....50

**ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/04.06.2020.Ped.113.01 РАҚАМЛИ  
КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ШАВКИЕВА ДИЛФУЗА ШАКАРБОЕВНА**

**РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ШАРОИТИДА ТАЛАБАЛАРГА  
ГЕЙМИФИКАЦИЯ ЁРДАМИДА ИНГЛИЗ ТИЛИНИ ЎРГАТИШ  
МЕТОДИКАСИ**

**13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (инглиз тили)**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Жиззах – 2021**

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.3.PhD/Ped2210 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Гулистон давлат университетида бажарилган.  
Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.jsri.uz) ҳамда «Ziynet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) манзилларида жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** Абдуллаева Шахзода Абдуллаевна  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Расмий  
опонентлар:** Ахмедова Лайлохон Толибжоновна  
педагогика фанлари доктори, профессор

Назарова Мадина Атахановна  
педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD),  
доцент

**Етакчи ташкилот:** Фарғона давлат университети

Диссертация ҳимояси Жиззах давлат педагогика институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/04.06.2020.Ped.113.01 рақамли кенгаш асосидаги бир марталик Илмий кенгашнинг 2021 йил «29» сентябр кuni соат 14<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 130100, Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов шоҳ кўчаси, 4. Тел.: (872) 226-13-57, 226-21-73, факс: (872) 226-46-56; e-mail: jsri\_info@umail.uz. Жиззах давлат педагогика институти. Бош ўқув бино, 2-қават, маърузалар зали.

Диссертация билан Жиззах давлат педагогика институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (8 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 130100, Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов шоҳ кўчаси, 4. Тел.: (872) 226-13-57, 226-21-73, факс: (872) 226-46-56

Диссертация автореферати 2021 йил «21» сентябр кuni тарқатилди.  
(2021 йил «21» сентябрда 11 - рақамли реестр баённомаси).



**Ф.Н. Жўрақулов**  
Илмий даражалар берувчи Илмий  
кенгаш раиси, с.ф.д., доцент

**Н.Х. Кушвақтов**  
Илмий даражалар берувчи Илмий  
кенгаш котиби, п.ф.н., доцент

**О.Х. Турақулов**  
Илмий даражалар берувчи Илмий  
кенгаш қошидаги илмий семинар  
раиси, п.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунё миқёсида таълим ва фан соҳасида халқаро ҳамкорлик муносабатларининг чуқурлашиши ҳамда рақамли технологияларнинг жадал суръатлар билан ривожланиши ўзаро мулоқот воситаси сифатида хорижий тилларни ўрганишга бўлган эҳтиёжни янада кучайтирмоқда. Бунда ахборот-коммуникация технологиялардан кенг фойдаланиш, таълим жараёнига уларни татбиқ қилиш орқали таҳсил олувчиларнинг геймификацион технологиялар воситасида хорижий тиллар бўйича билим, малака ва кўникмаларини ошириш ҳамда фан-технологияларнинг сўнгги ютуқларини таълим жараёнига татбиқ этиш долзарблик касб этади.

Жаҳон етакчи таълим муассасаларида (АҚШ, Сингапур, Жанубий Корея, Хитой) бўлажак мутахассисларнинг ахборот-коммуникация воситалари орқали касбий компетентлигини ривожлантиришга оид тадқиқот ишлари кўлами ошмоқда. Шунингдек, хорижий тилларни ўқитишда педагогларнинг касбий коммуникатив компетентлигини ривожлантириш учун турли янги мазмундаги дидактик шакллардан фойдаланиш, инновацион тавсифдаги таълим воситаларини амалиётга қўллаш, таҳсил олувчиларда мотивацион ва когнитив қизиқиш доираларини кенгайтиришга эҳтиёж мавжуд. Бу эса, таълим жараёнида академик билимларни ўзлаштиришга мўлжалланган геймификация технологияларини такомиллаштиришни тақозо этади.

Республикамызда сўнгги йиллар ичида ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида чет тилларини ўқитишга эътибор қаратилиб, бир қатор ислохотлар амалга оширилмоқда. «Замонавий ахборот коммуникация технологиялари ва чет тилларини чуқур ўзлаштирган кадрларни тайёрлашнинг юқори даражаси ва сифатини таъминлаш; олий таълим муассасаларида илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, уларнинг самарадорлигини ошириш, тадқиқот натижаларини амалиётга кенг жорий этиш, таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг ўзаро мустаҳкам интеграциясини таъминлаш, илмий-тадқиқот ишларига иқтидорли ёшларни жалб қилиш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга катта эътибор берилмоқда»<sup>1</sup>. Шу билан бирга, таълим жараёнини инновацион босқичга кўтариш ҳамда ўқитишнинг илғор шаклларида фойдаланиш асосида талабаларнинг келгусидаги фаолияти учун зарур бўлган малакалар квинтэссенциясини шакллантириш, ушбу малакаларни ривожлантиришда рақамли технологиялар қаторидан ўрин олган геймификациялардан фойдаланиш тизимини ишлаб чиқиш каби муҳим вазифалар белгиланди.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2019 йил 11 июлдаги «Олий ва ўрта махсус таълим соҳасида бошқарувни ислох қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4391-сон қарори. Электрон ресурс:<http://www.lex.uz>. (мурожат санаси: 08.12.2020)

Мамлакатимиз раҳбарининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2012 йил 10 декабрдаги ПҚ-1875-сон «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2020 йил 6 октябрдаги ПҚ-4851-сон «Ахборот технологиялари соҳасида таълим тизимини янада такомиллаштириш, илмий тадқиқотларни ривожлантириш ва уларни ИТ-индустрия билан интеграция қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ва шу соҳага алоқадор бўлган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда кўрсатма сифатида берилган функционал аҳамиятли йўриқларни бажаришда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Республикада чет тилларни ўқитиш масалалари: Л.Т.Ахмедова, Г.Х.Бакиева, Ж.Ж.Жалолов, Б.Ғ.Кулматов, Г.Т.Маҳкамova, С.А.Мисиров<sup>2</sup>; нофилологик йўналишларда тилларни ўқитиш муаммолари Т.К.Саттаров, Б.Р.Саматова ва Н.Ҳ.Кушиева<sup>3</sup>лар томонидан ўрганилган.

Ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида тилларни ўқитиш масалалари бўйича С.Х.Абдуллаева, М.Ч.Алиев, Г.С.Собирова, Д.Х.Кадирбекова, А.Б.Рахмонов; У.Ш.Бегимкулов, М.М.Мухитдинов, С.Қ.Турсунов, М.Х.Лутфиллаев, Н.А.Муслимов<sup>4</sup> каби олимлар илмий изланишлар олиб боришган.

---

<sup>2</sup> Ахмедова Л.Т. Дистанционное обучение как инновационная образовательная технология // Материалы международной научно-практической конференции / Инновации в преподавании иностранных языков: вопросы и перспективы. – Нукус, 2019. –С. 14-16.; Бакиева Г.Х., Башатова Н.А. Использование современных методов контроля знаний языка для повышения мотивации учебной деятельности студентов. Проблемы многоуровневой подготовки специалистов и современные методы контроля знаний студентов. –Т., 1993 –С. 63-65.; Жалолов Ж.Ж. Чет тили ўқитиш методикаси. Тошкент: Ўқитувчи, 1996. 368 б., Кулматов Б.Ғ. Инглиз тилини инновацион технологиялар ёрдамида ўқитишда CEFR мезонларидан фойдаланишнинг назарий асосларини такомиллаштириш: Пед.фан.фал.док...дисс. автореф. –Т., 2018.45 б.; Makhkamova G.T., Alimov Sh.S., Ziyayev A.I. Innovative pedagogical technologies in the English Language Teaching. –Т., 2017. –Р. 232; Мисиров С.А. Касб-хунар коллежларида инглиз тили ўқитишнинг лингводидактик асослари: Пед.фан.ном...дисс. –Т.: ТДПУ, 2007. 232 б.;

<sup>3</sup> Саттаров Т.К. Мутахассислик бўйича амалий машғулотларда бўлажак чет тили муаллимининг касбий-услубий малакаларини шакллантириш (инглиз тили материалида); Дисс. пед.фан.док. –Т.: 2000. 329 б.; Саматова Б.Р. Инглиз тилини ўқитишда нофилологик йўналиш талабаларининг мотивацияси (юриспруденция йўналиши мисолида): дисс. пед. фан.фалсафа доктори (PhD) Т.:2019. -154 б., Кушиева Н.Х. Талабаларга инглиз тилини ўқитишда кластерли ёндашув хусусиятлари. Пед. фанлари фалсафа доктори 2020 Т.:–Б.123.

<sup>4</sup> Абдуллаева С.Х. Рус тилини ўргатишда нофилологик ОТМ талабаларини инфокоммуникацион технологияси лексикасига ўқитиш: Пед. фан. фал. док. (PhD) ...дисс. –Т., 2020. –157 б.; Алиев М.Ч. Методика обучения русскому языку с использованием компьютеров в национальных группах неязыковых вузов: Дисс. ...кан. пед. наук. Т., 1991. С162.; Собирова Г.С. Умумтаълим мактаблари ўқувчиларига инглиз тили олмошларини ахборот технологиялари асосида ўргатиш методикаси: Пед. фан. фал. д-ри (PhD) ...дисс. –Т.2017. –230б.; Кадирбекова Д.Х. Инглизча-ўзбекча ахборот коммуникация технологиялари терминологияси ва унинг лексикографик хусусиятлари: Фил. фан. ном. ...дисс. –Т., 2017; Рахмонов А.Б. Ўқувчиларнинг коммуникатив кўникмаларини ахборот-коммуникация

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатларида чет тилларни ўрганиш ва ўзлаштиришнинг лингводидактик томонларини ўрганиш ҳамда турли таълимий технологияларни ушбу жараёнга татбиқ қилиш методикаларини яратиш бўйича изланишлар олиб боришган Е.С.Полат, С.В.Титова, Л.С.Коновалец, В.В.Копылова, Л.А.Подопригорова, С.В.Федорова<sup>5</sup>лар; хорижий мамлакатларда S.B.Bates, M.K.Barbour, N.Bijnens, J.Sheils, R.Gairns, Z.Yang<sup>6</sup> каби олимларнинг ишларини кўрсатиш мумкин.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги.** Тадқиқот Гулистон давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режаларига мувофиқ №71-07 «Олий таълим муассасаларида маънавий-касбий баркамол шахсни шакллантиришнинг педагогик технологиялари» (2017-2020йй.) мавзусидаги амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** рақамли технологиялар шароитида талабаларга геймификация ёрдамида инглиз тилини ўргатиш методикасини такомиллаштиришдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

талабаларга геймификация технологиялари асосида ўқитиш дидактик имкониятини асослаш орқали барча олий таълим муассасаларига мўлжалланган геймификация технологияларидан фойдалана олиш даражалари ва уларни танлаш мезонларини аниқлаш;

талабаларнинг нутқ компетенциясини ривожлантиришда тилнинг номинатив, коммуникатив, кумулятив функциясидан синхрон фойдаланишнинг

---

технологиялари воситаситалари ёрдамида шакллантириш: Пед. фан. фал. д-ри (PhD)... дисс.–Т., 2019. –121 б.; Бегимкулов У.Ш. Педагогик таълимда замонавий ахборот технологияларини жорий этишнинг илмий-назарий асослари: Монография. –Т.: Фан, 2007. – 135 б.; Мухитдинов М.М. Электронный репетитор эффективное средство повышения качества подготовки кадров. –Т., 2018. –С 272.; Турсунов С.Қ. Таълимда электрон ахборот ресурсларини яратиш ва уларни жорий қилишнинг методик асослари: Пед. фан. фал. д-ри (PhD) ...дисс. автореф. –Т., 2011.; Лутфиллаев М.Х. компьютерные имитационные модели в учебном процессе. Монография. Самарқанд, 2013. –С 102.; Муслимов Н.А., Усмонбоева М.Х. Инновацион таълим технологиялари. Ўқув-методик кўлланма –Т., 2015. – 208 б.

<sup>5</sup> Полат Е.С. Новые педагогические и информационные технологии в системе образования. –М., 2019. –С 198.; Титова С.В. Цифровые технологии в языковом обучении: теория и практика : Учеб. пособие. –М., 2017. –С 259.; Коновалец Л.С. Познавательная самостоятельность учащихся в условиях компьютерного обучения. Педагогика. 1999. – №2. –С 46-50.; Копылова В.В., Воронихина Г.И. Организация обучения иностранным языкам и профессиональной подготовки педагогических кадров в условиях модернизации содержания образования. Иностранные языки в школе. 2003. – №1. –С 4.; Подопригорова Л.А. Использование Интернета в обучении иностранным языкам. Иностранные языки в школе. 2019. – №5. –С 25.; Федорова С.В. Формирование этических ценностей школьников средствами информационно- коммуникационных технологий в учреждении дополнительного образования: на материале английского языка: Автореф. дисс. ... канд. пед. наук – Якутск., 2008. –С 21.;

<sup>6</sup> Bates S.B. Technology, E-learning and distance education. Second edition 2008 P.9.; Barbour M.K. Handbook of research on K-12 online and blending learning. (second edition) by Carnegie Mellon University: ETC Press 2018.; Bijnens H., Bijnens M., Vanbuel M. Streaming media in the classroom. - Austria: Education Highway Innovation Centre, 2014. -117 p. Sheils J. Communication in the Modern Language Classroom. Stratsbourg: Council of Europe Press, 1993; Yang Z., Liu Q. Research and development of web-based virtual online classroom. Computers & Education. 2005.

самарали механизмини «Сирли меҳмон», «Баррелдаги саволлар» каби геймлар типологиясини моделлаштириш орқали такомиллаштириш;

талабаларнинг инглиз тилида лингвистик компетенциясини ривожлантиришга йўналтирилган ўйин-топшириқларнинг методик таъминоти тил аспекти ва нутқ фаолияти интеграциясини киритиш, инновацион арт технологиялар ҳамда визуал органайзерлар орқали такомиллаштириш;

олий таълим тизимидаги инглиз тили ўқитувчиларининг инновацион педагогик фаолиятида виртуал лабораторияларни ташкил этиш орқали геймификация технологияларидан фойдаланиш малакаларини ривожлантириш механизмларини такомиллаштириш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида талабаларга рақамли технологиялар шароитида геймификация ёрдамида инглиз тилини ўргатиш методикасини такомиллаштириш жараёни олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** рақамли технологиялар шароитида талабаларни геймификация ёрдамида ўқитиш жараёнининг мазмуни, шакли ва ахборот-методик таъминоти тизими ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида ижтимоий-педагогик (кузатиш, суҳбат, анкета, сўров, тест), ретроспектив (қиёсий таҳлил, илмий умумлаштириш, моделлаштириш), математик-статистик таҳлил ва тажриба-синов усулларида фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

талабаларга геймификация технологиялари асосида ўқитиш дидактик имкониятини асослаш орқали барча олий таълим муассасаларига мўлжалланган геймификация технологияларидан фойдалана олиш даражалари (юқори, ўрта, қониқарли, қониқарсиз) ва уларни танлаш мезонлари аниқланган;

талабаларнинг нутқ компетенциясини ривожлантиришда тилнинг номинатив, коммуникатив, кумулятив функциясидан синхрон фойдаланишнинг самарали механизми «Сирли меҳмон», «Баррелдаги саволлар» каби геймлар типологиясини моделлаштириш орқали такомиллаштирилган;

талабаларнинг инглиз тилида лингвистик компетенциясини ривожлантиришга йўналтирилган ўйин-топшириқларнинг методик таъминоти тил аспекти ва нутқ фаолияти интеграциясини киритиш, инновацион арт технологиялар ҳамда визуал органайзерлар орқали такомиллаштирилган;

олий таълим тизимидаги инглиз тили ўқитувчиларининг инновацион педагогик фаолиятида виртуал лабораторияларни ташкил этиш орқали геймификация технологияларидан фойдаланиш малакаларини ривожлантириш механизмлари такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

003112 рақамли «Талабаларга геймификация ёрдамида инглиз тилини ўргатиш технологияси» номли илмий ишланма ишлаб чиқилган ва олий таълим муассасалари амалиётига татбиқ этилган;

«Талабаларга геймификация ёрдамида инглиз тилини ўргатиш» номли монография ишлаб чиқилган;



110-245 рақамли «Speaking extra topics» номли ўқув қўлланма барча бакалавр таълим йўналишлари учун геймификация технологияларига оид инглиз тилидан таржима қилишга қаратилган машқ ва топшириқлар асосида ишлаб чиқилган ва амалиётга татбиқ этилган.

«Геймлар воситасида инглиз тилини ўргатиш» (1-босқич талабалари учун) номли ўқув-методик қўлланма ишлаб чиқилган ва амалиётга татбиқ этилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** тажриба-синов ишлари самарадорлигининг кўрсаткичлари статистик методлар воситасида асосланганлиги, қўлланилган методлар, ишончли назарий ахборотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, ўтказилган илмий таҳлиллар ва ишлаб чиқилган технологиялар тажриба майдончаларида апробациядан ўтказилганлиги, педагогик амалиётда жорий этилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти илмий асосланган маълумотлар, тақдим қилинган методлар («Брейн-ринг», «Кейс», «Брейнсторминг») ва ўқув геймлари (мантқиқий, ривожлантирувчи, симуляцион)ни таълим жараёнига татбиқ қилиш орқали технологиялар ҳамда тадқиқот давомида ишлаб чиқилган дастур, тавсиялардан қўлланма тайёрлаш, шунингдек педагог кадрларни тайёрлаш жараёни мазмунини такомиллаштиришда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти рақамли технологиялар шароитида талабаларга ўйин, қўшиқ, веб-сайт, мултимедиа тақдимоти ва бошқаларни маҳсулот яратиш; муаллиф томонидан ишлаб чиқилган «Unusual animal of the planet», «The longest animal in Africa» ва ҳк. геймларни ишлаб чиқиш орқали инглиз тилини мамлакатимиздаги ўқув адабиётларининг янги авлодини яратишда кенг фойдаланиш имконияти билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Рақамли технологиялар шароитида талабаларга геймификация ёрдамида инглиз тилини ўргатиш методикаси мавзуси доирасида амалга оширилган ишлар асосида:

талабаларга геймификация технологиялари асосида ўқитишнинг дидактик имконияти ҳамда геймификация технологияларига асосланган ўқув ахборотини ўзлаштириш контенти (мотивацион, илмий-педагогик, ўқув)га оид илмий хулосалардан ОТ-Ф1-«Оммавий лисоний маданиятини шакллантириш методлари ва методологиясини ишлаб чиқиш» номли фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Инновацион ривожланиш Вазирлигининг 2021 йил 17 сентябрдаги 02/15/5118-сон маълумотномаси). Натижада геймификация ёрдамида инглиз тилини ўқитиш асосида талабаларнинг коммуникатив компетенциясини ривожлантиришга эришилган;

талабаларнинг нутқ компетенциясини ривожлантиришда тилнинг номинатив, коммуникатив, кумулятив функциясидан синхрон фойдаланишнинг самарали механизми ҳамда инглиз тилидаги ўқув материални ўзлаштириш босқичларини геймификация технологияси асосида такомиллаштиришга оид тавсиялардан №2018-519-сонли ОТ-Атех-«Компьютер имитацион моделлар асосидаги виртуал ресурсларни веб иловасини дастурий таъминотини яратиш»

номли амалий лойиҳада фойдаланилган (Самарқанд давлат чет тиллар институтининг 2021 йил 20 ноябрдаги 02/03/143-сон маълумотномаси). Натижада, геймификация технологиялари ўқув ахборотини ўзлаштириш контенти (мотивацион, илмий-педагогик, ўқув) геймификация технологияларига муружаат этишга устуворлик бериш асосида оммалаштирилган;

геймификация технологиялари ёрдамида инглиз тилидаги ўқув материалларини ўзлаштириш тизимини такомиллаштириш, тил аспекти ва нутқ фаолияти интеграцияси асосида инновацион арт технологиялар ҳамда визуал органайзерлардан фойдаланишга оид фикр-мулоҳазалардан «Талабаларга геймификация ёрдамида инглиз тилини ўргатиш технологияси» номли илмий ишланма яратилган (Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги хузуридаги Интеллектуал Мулк Агентлигининг 2021 йил 21 январдаги 003112-сон гувоҳномаси). Натижада талабаларнинг билимларини яхшилашга ва замонавий техник воситаларидан фойдаланишни ўқув жараёнига киритиш талабаларнинг ижобий ўрганиш мотивациясини шакллантиришга хизмат қилган;

«Сирли меҳмон», «Баррелдаги саволлар», «Unusual animal of the planet», «The longest animal in Africa», «Dignified and beautiful animal», «Friendship-loving animal» («Сайёрадаги энг антиқа ҳайвон», «Виқорли ва гўзал жонивор», «Дўстликни севувчи жонивор») каби геймларни таълим жараёнида қўллаш бўйича ишлаб чиқилган тавсиялардан 2020-2027-сонли Arkansas Spring International Language Center «English language capacity building project» амалий лойиҳада фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 3 февралдаги 89/03/613-сон маълумотномаси). Натижада талабалар томонидан инглиз тилидаги ўқув материаллари (конвергент, дивергент, аудиовизуал) ўзлаштиришнинг ҳиссий-эмоционал фаолияти, тил ўрганиш қобилияти, компетенцияларининг ривожланишига хизмат қилган;

геймификация технологияларига асосланган ўқув ахборотини ўзлаштириш контенти (мотивацион, илмий-педагогик, ўқув)га оид илмий хулосалардан бакалавр талабалари учун «Speaking extra topics» номли ўқув қўлланмасини тайёрлашда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 1 мартдаги 110-245-сон маълумотномаси). Натижада талабаларга геймификация ёрдамида инглиз тилини ўқитиш орқали уларнинг коммуникатив компетенциясини ривожлантиришга хизмат қилган;

олий таълим тизимидаги инглиз тили ўқитувчиларининг инновацион педагогик фаолиятини такомиллаштиришда виртуал лабораторияларни ташкил этиш орқали геймификация технологияларидан фойдаланиш малакаларини ривожлантиришга оид фикр-мулоҳазалардан «Сирдарё» телеканалининг «Диёр янгиликлари» информацион дастурида фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг Сирдарё вилоят телерадиокомпаниясининг 2021 йил 27 апрелдаги 481-сон маълумотномаси). Натижада инглиз тили ўқитувчиларининг геймификация технологиясидан фойдаланиш компетенцияси хусусида батафсил маълумотга эга бўлиш имконияти яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 11 та халқаро, 4 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация жами 21 та илмий иш, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, шу жумладан, 2 таси хорижий ва 3 таси республика илмий журналларда ҳамда 1 та Scopus маълумотлар базасига киритилган халқаро илмий журналда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация 129 саҳифани ташкил этиб, у кириш, уч боб, боблар бўйича хулосалар, умумий хулоса ва тавсиялар, фойдаланган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати республика ва хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи асосида асосланган; муаммонинг ўрганилганлик даражаси, илмий-тадқиқот ишлари дастури билан боғлиқлиги кўрсатилган; тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети аниқланган; ишнинг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги акс эттирилган; диссертациянинг вазифалари, илмий янгилиги, натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти асосланган; натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг таркиби тўғрисидаги маълумотлар ўз ифодасини топган.

Диссертациянинг «**Рақамли технологиялар шароитида талабаларга геймификация ёрдамида инглиз тилини ўргатишнинг назарий – методологик асослари**» деб номланган биринчи бобида талабаларга геймификация ёрдамида инглиз тилини ўргатишнинг педагогик – концептуал асослари, олий таълим жараёнида қўлланиладиган геймификациянинг ўзига хос жиҳатлари, таълимий гейм турлари, уларни таълим жараёнига қўллашнинг педагогик шароитлари ўз ифодасини топган. Шунингдек, муаллифлик нуқтаи назаридан «гейм», «геймификация», «таълим геймификацияси» каби атамаларга таъриф берилган.

XXI аср ахборот-коммуникация асрида маълумотлар ҳажмининг кескин кўпайиши таҳсил олувчиларда ўқув материални идрок қилиш баробарида узатилаётган ахборотнинг сифатига ҳам алоҳида талаблар қўймоқда. Инглиз тилидаги ўқув ахборотини ўзлаштириш технологияларини такомиллаштириш алоҳида эътибор талаб қилинаётган масалалар сирасига киради.

Рақамли технологиялар шароитида талабаларга геймификация ёрдамида инглиз тилини ўргатиш машғулотларни самарали ташкил этишга, ёшларнинг муҳим ҳаётий ютуқларини қондиришга, ўз нуқтаи назарларини илмий асослашга имконият яратади ва инглиз тилини ўқитишда самарали натижаларни беради. Шу жиҳатдан олганда, замонавий аудитория ва

аудиториядан ташқари машғулотларда инглиз тилидаги ўқув ахборотини геймификация ёрдамида ўзлаштириш масалалари алоҳида долзарблик касб этади.


**Геймификация** – таълим жараёни субъектларининг ўқув топшириқларини компьютер ўйинларига ўхшаш вазиятда қўллаш жараёни. Гарчи, ҳозирги кунда геймификация кўпроқ бизнес ва ишлаб чиқариш соҳаларида қўлланилиб келинсада, таълим жараёнига геймларнинг тобора кириб келиши, унинг самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда. Илмий манбалар, адабиётлар ва луғатлар таҳлилидан «гейм» сўзи бир неча маъноларда ишлатилишини аниқладик.

**Гейм** (ингл.: «game» – ўйин) – 1) спорт соҳасида айрим ўйинларнинг бир қисми. Масалан, теннис ўйинида бир неча геймлар мавжуд (Ушаков. Толковый словарь русского языка Ушакова. 2012); 2) қолт револьверига ўхшаш, чўнтакда олиб юришга мўлжалланган, вазни 700-740 г. бўлган 22 и 38 калибрли олти зарядли немис револьвери; 3) немис қурол-яроқ ишлаб чиқариш фирмасининг номи; 4) Гейм (Heim) Альберт (1849-1937)- швейцар геологи. Москва академиясининг фахрий аъзоси (1925). Гляциология (музликлар) бўйича тадқиқотлар олиб борган.

Барча тавсифларни таҳлил қилиб, муаллифлик нуқтаи назаридан «гейм» атамасига қуйидагича таъриф берилди: **гейм** ИТ соҳасида бир неча даражали ўйинни билдириб, ҳар бир босқичда ўйин фойдаланувчисига дидактик топшириқни бажариб бўлгач, навбатдаги босқичга ўтиш имкониятини яратади. Таълим жараёнида геймлар дидактик тавсифга эга бўлиб, таҳсил олувчини ўқув предметига қизиқишини ва мотивациясини оширишга мўлжалланади. Инглиз тилини ўқитишда геймлар таҳсил олувчиларда creative product tasks, яъни ижодий топшириқларни бажариш кўникмаларини ривожлантиради, ўқув курслари бўйича мавзуларни сифатли ўтишга ёрдам беради.

Рақамли технологиялар шароитида талабаларга геймификация ёрдамида инглиз тилини ўргатиш орқали: 1) профессор-ўқитувчиларда ахборот технологиялари, бу соҳадаги илғор хориж тажрибалари ҳақида тасаввур ҳосил қилиш ва улардан амалиётда фойдалана олиш компетенцияларини ривожлантириш; 2) таҳсил олувчиларда эса ижодий қобилиятни ривожлантириш, билим олишни фаоллаштиришга имконият яратиш ҳамда келгусидаги касбий компетентлигини оширишга хизмат қилади; 3) рақамли технологиялар шароитида талабаларга геймификация ёрдамида инглиз тилини ўргатишни самарали ташкил этиш, ўқитиш жараёнида ахборот технологиялар асосида он лайн ва оф лайн семинар-тренинглар, махсус ўқув курсларини ташкил этиш ва амалиётга татбиқ этишга имконият яратилади; 4) талабаларда бўлажак мутахассисликка йўналтирилган компетенцияларни ахборот коммуникацион технологиялар асосида ўрганиш ҳамда уни жорий этиш орқали таклифлар ишлаб чиқиш; 5) рақамли технологиялар шароитида талабаларга геймификация ёрдамида инглиз тилини ўргатиш келгуси меҳнат фаолиятига йўналтирилган креатив қобилиятларининг ривожланганлик даражасини ўлчаш ва мониторинг асосида тавсиялар ишлаб чиқишга хизмат қилади.

**Таълим геймификацияси** таълимий мақсадга эришиш, ёки, кўйилган масалани ечишга қаратилган гейм-ўйинлар кетма-кетлигини бажариш борасида ижрочига тушунарли ва аниқ кўрсатмалар бериш назарда тутилади. Демак, олий таълим жараёнида инглиз тилидаги ўқув материаллини самарали ўзлаштириш учун шарт-шароит ва имкониятларни кенгайтиришда инглиз тили ўқитувчиси таълим геймификациясидан (назарий) ва амалий операцияларнинг кетма-кетлик тартибини ўйинлар орқали амалга оширади. Геймлар мустақил ўқитиш дастури ёки, бошқа ўқитиш дастурининг қисми бўлиши мумкин (1-расм).



**1-расм. Рақамли технологиялар шароитида таълим жараёнига геймификацияни татбиқ этиш**

Предметлар, ҳодиса ёки жараёнларни табиий ҳолатда намойиш қилиш янада кўпроқ дидактик самара беради. Шу боис, инглиз тили машғулотларида турли виртуал лабораторияларни ташкил қилиш, геймификациянинг турларидан фойдаланиш зарур бўлади (2-расм).



2-расм. Гейм турлари


Геймификация жараёнида талабаларнинг фаолликлари ошади, улар машғулотларни диққат билан тинглаб, ўқув материални таҳлил қилиш, таққослаш, хулосалар чиқариш каби ақлий фаолиятлари орқали намоён бўлади.


Маълумки, анъанавий таълимда талабалар ўқитувчи томонидан тақдим қилинаётган тартибли маълумотини тинглаб, тайёр кўрсатмалар асосида билим оладилар. Бундай репродуктив таълим жараёнида талабалар ўқитувчи ёздирган ахборотни ёдлаш, ўхшатиб мисол келтириш, ўқитувчидан эшитганларини такрорлаш каби фаолият билан шуғулланиб, таълим жараёнининг оддий кузатувчиси, тингловчиси бўлиб қоладилар.

Мавжуд адабиётлар, ўрганилган илмий ва интернет манбаларидан олинган маълумотларга таяниб, «геймификация» тушунчасига қуйидаги тавсиф келтирилди: **геймификация** - бу таълим жараёни иштирокчиларини жараёнга кўпроқ жалб қилиш учун ўйин усулларини ўйиндан ташқари жараёнларга ва ҳодисаларга мослаштириш технологияси. Инглиз тили машғулотларида бизнес, спорт, санъат соҳаларига «жалб» қилиш орқали «музокараларни ўтказиш», «мижозларни маҳсулотларни қизиқиш билан сотиб олишга мажбур қилиш», «санъат асарларини сўзлаб бериш» учун квестлардан фойдаланиш мумкин. Масалан, чегирма олиш квест сифатида, сотув эса ўйин сифатида ташкил қилиниши мумкин.

Талабаларга геймификация ёрдамида инглиз тилини ўқитишда ривожлантириш технологиялари: муаммоли маъруза, маъруза-мунозара, муайян вазиятларни таҳлил қилиш, ташкилий ва ақлий ўйинлар, ўқув ва касбий матнларни танқидий таҳлил қилиш, лойиҳалар усули, ижодкорликни ривожлантириш бўйича тренинглари, диагностик ўқув семинари, ривожланиш диагностикаси, амалиётга йўналтирилган вазифалардан фойдаланилади.

Геймификация ўзининг асосий жиҳатлари билан аҳамиятли (3-расм):





**3-расм. Таълим жараёнида қўлланиладиган геймификациянинг ўзига хос жиҳатлари**

Таълим жараёнида қўлланиладиган геймификациянинг динамикаси - реал вақт режимда талабанинг эътиборини ва жавобини талаб қиладиган сценарийлардан фойдаланиш;

**механика** - ўйин учун характерли бўлган сценарий элементларидан, масалан, виртуал мукофотлар, мақомлар, бонуслар, виртуал товарлар;

**статика**- ҳиссий алоқага ёрдам берадиган умумий ўйин тажрибасини яратиш;

**ижтимоий ўзаро таъсир**- ўйинлар учун одатий бўлган фойдаланувчилараро ўзаро таъсирни таъминлайдиган кенг қўламли техникалар.

**Геймификация дастурида ишлатиладиган атамалар:**

**Ўйинчилар** (player) – истеъмолчилар (consumers-таълим жараёни иштирокчилари) ва потенциал истеъмолчилар;


**ҳаракатлар** (инглизча: actions) - фойдаланувчидан талаб қилинадиган реакциялар;

**маҳорат даражалари** (skill levels) - фойдаланувчиларни ютуқ даражалари бўйича табақалаштириш (масалан, оддий ўйинчи ёки истеъмолчи бошқа ўйинчилар орасида етакчи даражасига етишиши мумкин);

**мотивация** - ҳаракатлар, реакциялар учун рағбатлантиришни яратиш. Геймификацияда ишлатиладиган ўйин компонентлари орасида: скорлама, қийинчилик ва маҳорат даражаси, ютуқлар, етакчилар жадваллари, ютуқлар панели, виртуал валюталар, иштирокчилар ўртасидаги мусобақалар, мукофотлар бўлиши кузатилади.

Диссертациянинг «**Рақамли технологиялар шароитида талабаларга геймификация ёрдамида инглиз тилини ўргатишнинг педагогик шарт-шароитлари**» деб номланган иккинчи бобда олий таълим жараёнида геймификация ёрдамида инглиз тилини ўргатиш мазмуни, метод, воситалари баён этилган. Бобда инглиз тили бўйича, мавжуд бўлган адабиётлар, дастур ва ўқув режаларнинг таҳлиллари келтирилган бўлиб, унда ўқитиш методлари ва воситаларини танлаш амалий машқларни талабаларга тақдим этиш кетма-кетлиги ҳақида фикр юритилган. Тадқиқот доирасида *геймификация* тушунчасини батафсил ўрганиб, унинг асосий принципларини ўрганишга киришдик ва изланиш фаразидан келиб чиқиб, ушбу концепция тадқиқот мақсадига мос келишини таҳлил қилдик. Аниқланишича, геймификация анчадан бери мавжуд бўлган технология сифатида қўлланилиб келинишига қарамасдан, унинг аксарият форматлари истеъмолчилар эҳтиёжларига жавобан

ҳатти-ҳаракатларига таъсир қилишнинг экспериментал усуллари сифатида ишлаб чиқилган. Таълим тизимида мазкур технология дидактик маҳсулотларни сотиб олиш учун мўлжалланган бўлиб, улар асосида истеъмолчилар унга кўра он лайн тарзда харид қилинган электрон ресурс учун харитага эга бўлишади ва ҳар бир кейинги харидга стикер ёпиштирилади. Муайян миқдордаги стикерларни йиғгандан сўнг, таълим истеъмолчиси харитани бепул маҳсулотга алмаштириши мумкин. Бугунги кунда шахсий ўйин тажрибаси ва самарадорлиги учун Habit RPG ни синаб кўришни тавсия этамиз (4-расм).



**4-расм. Таълим тизимида шахсий ўйин тажрибаси ва самарадорлиги учун HabitRPGдан фойдаланиш.**

Бунинг учун ушбу браузер ўйини таълим жараёнидаги топшириқларни илмий изланиш дебчасига айлантиради. Таҳсил олувчилар бадий қаҳрамонлар сиймоларини, ёки, таниш вазиятлардаги ижтимоий ролларнинг тақсимланишини геймлар асосида ижро этиб кўришга имконият яратилади. Бунда таҳсил олувчи вазифаларни рўйхат қилиб олгач, унга мос равишда муайян стратегия режасини тузиши мумкин. Масалан, Уильям Шекспир, Сомерсет Моэм, Джон Голсуорси, Даниэль Дефо, Артур Конан Дойль, Агата Кристи, Джейн Остен, Бронте опа-сингиллар, Чарльз Диккенс каби инглиз классик ёзувчиларининг асарларини ўқиш учун рўйхат бўйича уларни инглиз тилида ўрганиш имконияти яратилади ва ушбу асар қаҳрамонлари иштирок этган геймларни браузер ўйини тариқасида ташкил қилиш мумкин. Бунда талаба ҳам асар қаҳрамонлари билан танишади, ҳам инглиз тилидаги нутқни тинглаб, эшитишга муяссар бўлади.


Геймификация мақсадли ҳаракатларни амалга оширишни қизиқарли тажрибага айлантиришга имкон беради. Масалан, Word Press-плагин Captain



Ур орқали амалга оширилган топшириқлар учун балл йиғишга имкон беради (масалан, инглиз тилида изоҳлаш учун, бирон объектни тавсифлаш учун ва ҳ.к.).

Геймификациядан фойдаланишнинг яхши намунаси HubPages (фойдаланувчи томонидан яратилган контент портали) бўлиб, унинг фойдаланувчилари маълум ютуқлар, масалан, ёзилган ёзувлар сони ва уларнинг сифати учун бирон нишонлар ёки белгилар билан мукофотланади.

Геймификация, шунингдек, онлайн ўқитишда қўлланилади – тараққиёт сатрлари, мукофотлар ва модул нишонлари иштирокчиларга курсларни тугатиш мотивациясини сақлашга ёрдам беради. Энг яхши шарҳ учун танлов – бу талабаларни жалб қилишнинг яна бир кучли усули. Ижодий веб-квестлар (ижодий маҳсулотлар вазифаси) талабалардан маълум бир шаклда (расм, плакат, ўйин, қўшиқ, веб-сайт, мултимедиа тақдими ва бошқалар) маҳсулот яратишни талаб қилади.



### **5-расм. Геймификациядан фойдаланиш намуналаридан бири HubPages контент портали кўриниши**

Муаллиф томонидан тавсия этилаётган геймлар талабаларнинг инглиз тилида маълумотларни йиғиши, саралashi, интерпретация қилиши, шунингдек, зарур бўлганда, улардан фойдаланиш кўникмаларини шакллантиришга мўлжалланади, ва энг асосийси, инглиз тилини ўқитиш методикасидаги

дидактиканинг энг асосий шарти - фанлараро боғлиқлик принципини намоён этади. Геймлар асосида талабаларнинг назарий ва амалай билимлари даражасини ўстириш учун бадий матн билан ишлаш, инглиз тилидаги қисқа ва осон ўқиш учун дастлабки учта қийинчилик даражасини (starter, beginner, elementary) ривожлантириш, тақдим этилган ҳикояда нотаниш сўзларнинг маъносини тахмин қилиш, гейм қахрамони ҳатти-ҳаракатлари орқали матндаги воқеалар идрок этишга замин ҳозирланади. Шунингдек, инглиз тилидаги кўшимча ўқиш учун: The Banks of the Sacramento. J.London (Сакраменто соҳилларида Д.Лондон); A Dog and Three Dollars. M.Twain (Ит. МаркТвен); A Day's Wait. E.Hemingway (Хотира куни. Э.Хэмингуэй); The Green Door. O.Henry (Яшил эшик. О.Генри); The Reading Public. S.Leacock (Ўқиётган халқ. С.Ликок); The Nightingale and the Rose. O.Wilde (Булбул ва атиргул. О.Уайлд); Is He Living or Is He Dead? M. Twain (Тирикми, ўлик? МаркТвен); As You Like It. After W.Shakespeare (Бу сизга ёқадими? У.Шекспир); A Service of Love. O.Henry (Санъатга муҳаббат О.Генри); Surprise. J.Galsworthy (Сюрприз. Д.Голсуорси); No Story. O.Henry (Муболағасиз. О.Генри) каби адабиётлар билан танишиш имконияти туғилади. Талабаларнинг инглиз тилидаги дефиницияларни геймлар ёрдамида ўзлаштиришлари орқали уларда инглиз тили грамматикаси ривожлантирилади. Талабанинг уй вазифасини бажариш ва мустақил билим олиш, қўйилган муаммони пайдо бўлиши, уни ҳал қилиш имкониятлари тўғрисида ўйлаш (фараз яратиш), топшириқни бажаришга киришиш, тест вариантларини ечиш, йўллари ва усулларини танлаш, ечиш давомида вақти-вақти билан ички нутқнинг ташқи нутққа кўчиб туриши, психофизиологик ҳатти-ҳаракатларнинг намоён бўлиш жараёнини кузатиш орқали унинг ақлий фаолиятига баҳо берилади.

Бобда рақамли технологиялар шароитида талабаларга геймификация ёрдамида инглиз тилини ўргатиш методикаси мазмунини бойитиш учун **«Омадли имконият»**, **«Компьютер топишмоқлари»**, **«Баррелдаги саволлар»**, **«Сирли меҳмон»** каби гейм иловаси мазмуни ва ундан фойдаланиш методикаси келтирилган. Шу тариқада ташкил қилинган таълимий геймлар воситасида талабаларнинг инглиз тилини ўзлаштириш ҳолати ўрганилган ва талабалар ўртасида саволномалар тарқатилган. Респондентларга «Фикрингизча, таълимий геймлар воситасида инглиз тилини ўзлаштириш осонми?» деган савол билан мурожаат этилганда, «Осон» (99%), «Қизиқарли» (91%), «Вақт ўтганини сезмай қоламиз» (97%), «Билим олишга мотивация ҳосил бўлади» (48%), «Инглиз тилида мулоқот қилишга ёрдам беради» (62%), «Геймлар асосида ўзимиз учун янги нарсаларни билиб оламиз» (67%), «Инглиз тилидаги тушунчаларни тез англаймиз» (61%), «Инглиз тилидаги сўзларни ёд олишга кўмак беради» (82%) каби жавоблар олинган. Инглиз тили ўқитувчисининг геймификациядан фойдаланиш фаолияти маъруза, семинар, амалий машғулотлар, лаборатория машғулотлари, ўқув анжуманлари, маслаҳатлар, экскурсия, экспедиция каби шаклларда ўз ифодасини топиши мумкинлиги илмий-педагогик жиҳатдан асосланган.

